

## ШАРТНОМА №204

Автомобиль транспортада хизмат кўрсатиш хақида

2022 йил «17»август

Кўрғонтепа шаҳри.

Андижон шаҳар «ARZONI BIZDA MARKET» Х/К Низомга асосан фаолият кўрсатади ва бундан буён матнда «Автокорхона» деб юритилувчи номидан Раҳбар А.Ходжаев бундан буён матнда «Буюртмачи» деб юритилувчи номидан Низомга асосан Кўрғонтепа МТБ мудир А.Ёқубов орқали иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда тузадилар.

### 1 ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

- 1.1. Ушбу шартномага мувофиқ «Буюртмачи»нинг ишлаб чиқариш зарурияти ёки бошқа эҳтиёжлари учун «Автокорхона» юк Автомобилда транспорт хизмати кўрсатади. Кўрсатилган транспорт хизмати учун «Буюртмачи» белгиланган тарифлар асосида бажарилган хизмат хақи учун тўловни амалга оширади. Тарафлар шартномада белгиланган мажбуриятларни тўла таъминлашни зиммаларига оладилар.
- 1.2. Шартноманинг қиймати тахминан 106 355 130 (Бир юз олти миллион уч юз эллик беш минг бир юз ўттиз )сўм этиб белгиланади ҳамда ушбу шартноманинг 8 - бўлимига мувофиқ ўзгариши ҳам мумкин.

### 2 ТАШИШ ШАРТЛАРИ

- 2.1. «Автокорхона» «Буюртмачи»нинг эҳтиёжи учун керакли техник соз транспорт воситаларини ажрабтиб беради ва ташишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.
- 2.2. «Автокорхона» муҳри билан тасдиқланган йўл варақаси хайдовчига юк олиш, юклаш ва тушириш, манзилга кириб бориш ҳамда мазкур объектлардан махсус рухсатномасиз у ердан жўнаш ҳуқуқини беради.
- 2.3. Юк ташиш учун «Буюртмачи» га автомобиль бериш ушбу шартномани 4-бўлимига мувофиқ ташиш қийматлари олдиндан тўланганидан кейин амалга оширилади.
- 2.4. Ушбу шартномада кўрсатилган юклар, шунингдек ташиш учун махсус мосламалар, боғлаш мосламалари, автомобильларни жихозлашни талаб қиладиган катта, суюқ, узун хажмли ва бошқа юкларни ҳар бирини ташишга алоҳида ҳолатларда томонларни келишуви бўйича қабул қилинади. Автомобильни қўшимча жихозлаш «Буюртмачи»нинг ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.5. Ташишларни қўшимча шартлари

### 3 ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### «Автокорхона» куйидагиларга мажбур:

- 3.1.1. Юк ташиш учун «Буюртмачи»га санитария, техника, ҳаракат, ёнғин хавфсизликлари талабларига тўла жавоб бера оладиган техник жихатдан соз бўлган транспорт воситалари билан таъминланади.
- 3.1.2. Юкнинг хажми ва хусусиятига қараб юкларни ташишни амалга ошириш учун автомобильлар тури ва миқдорини аниқлаш. «Буюртмачи»нинг маъсул вақилига юк ташиш учун буюртмада белгиланган муддатда топшириш.
- 3.1.3. «Автокорхона» юкни етказиб беришда агар кечиктириш унинг айби билан юз бермаган бўлса жавобгарликдан озод этилади.
- 3.1.4. Ташишни мазкур турини амалга ошириш, хайдовчини керакли ҳужжатлар билан таъминлаш.
- 3.1.5. Хайдовчига юк ташишни бажариш тартиби, товар-транспорт юк хатлари ва ташиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида йўриқнома бериш.
- 3.1.6. Хайдовчиларни мунтазам техника, ёнғин, ҳаракат хавфсизлиги ва юклаш тушириш ишларини бажариш жараёнида хавфсизлик йўриқномаларидан ўтказиб туриш.
- 3.1.7. Хайдовчилар томонидан «Буюртмачи» тайинлаган маъсул шахсни юк ташиш билан боғлиқ барча кўрсатмаларни қонун доирасида бажарилишини таъминлаш. Юкларни белгиланган йўналишлардан четга чиқмаган ҳолда сифатини бузмасдан, юкланган миқдорда нобуд қилмай, вақтида манзилига етказишни таъминлаш.
- 3.1.8. Автотранспорт воситалари камрок ажратилиши сабабли шартномага биноан ташишлар хажми бажарилмаган ҳолларда қолоқликни тугатиш мақсадида кейинги кунларда ташишларни ташкил этиш.

#### «Буюртмачи» куйидагиларга мажбур:

- 3.2.1. «Автокорхона»га олдиндан ташиладиган юклар учун зарур бўлган талабномани ёзма ёки телефон орқали бир кун олдин тақдим қилиш.
- 3.2.2. Шаҳарлараро юкларни ташишни амалга оширишда уч кун кечиктирмай ёзма шаклда талабнома бериш.
- 3.2.3. Йўл варақалари, товар - транспорт юк хатлари, сертификатлар ва таснифлаш (спецификациялаш)ни ўз вақтида ҳамда тегишли равишда расмийлаштиришни таъминлаш. Автомобильларни ортиш, тушириш манзилларига ҳақиқатан келган ва кетган вақтини белгилаш. Товар-транспорт ҳужжатлари, реквизитлари тўлдирилишининг нотўғрилигини ноаниқлиги ҳамда тўла бўлмаслигининг барча оқибатларига жавобгарликни ўз зиммасига олиш .
- 3.2.4. Товар-транспорт юк хатлари билан расмийлаштирилмаган товар характеридаги юкларни ташиш учун тақдим этмаслик.
- 3.2.5. Ўз қучи ва воситалари билан тасдиқланган вақт меъёрий ҳужжатлар доирасида юклаш тушириш ишларини таъминлаш, талабларига мувофиқ маҳкамлаш ва боғлашни амалга ошириш. Хайдовчининг зарур ҳолларда юк хажми белгиланган вақт меъёрларида аниқлаш имконини таъминлаш, бунинг учун

худудларда керакли техника воситалар ва ўлчов асбобларига эга бўлиши керак.

3.2.6. Автомобильларга тўла сизимича юк ортиш, аммо бу юк кўтариш хажмидан юкори бўлмаслиги лозим.

3.2.7. Истемолчи томонидан қабул қилинмаган юкни тўқтўвсиз янги манзилга олиб бориш ёки зудлик билан қайтарилган юкни ташиш учун ҳақ тўлаш тўғрисида товар-транспорт юк хатига белги қўйган ҳолда ўз оморига қабул қилишни таъминлаш

3.2.8. Сочиладиган ва чанг ейдиган юкларни ташишда уларни тегишли ёпқичлар билан ёпиш ва қисиб турувчи мосламалар билан маҳкамлашни таъминлаш.

3.2.9. Хайдовчини олдиндан хабардор қилган ҳолда юк тушириш жойини аниқ белгилаш.

3.2.10. Созланган идишлар (контейнер, тағламалар ва х.к.лар) учун ҳамда носоз идишлардан фойдаланиш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар учун жавобгарликни таъминлаш.

3.2.11. Автомобиль ва автопоездларни сутканинг ва йил фасилларининг ҳар қандай вақтида тўсиқларсиз ўтиш ва бориб келиш имкониятини таъминлаш, кириб келиш йўли ҳамда юклаш тушириш майдонларини соз ҳолда сақлаш.

3.2.12. Юклаш тушириш механизмлари, юк қабул қилишнинг узлуксиз ишлаши, майдонча ва уларга кирувчи йўлларни сутканинг қоронғу пайтида ёритилишини таъминлаш.

3.2.13. Автомобиль ишлаган кунда юклаш ва тушириш манзилларида товар транспорт ҳужжатларини тўлдириш, расмийлаштириш, штамп ва муҳр билан тасдиқлаш учун маъсул шахсни тайинлаш ва барча реқвизитларни тушунарли ва аниқ равишда тўлдириш.

3.2.14. Автомобиль доимий турадиган жойидан ташқарига жўнатилганда «**Буюртмачи**» ҳисобидан уларни овқатланиш, ётиш жойи ва автомобильларни турар жойлари билан таъминлаб уларни қўриқлашни ташкил этиш.

#### 4 ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ЮК ТАШИШГА ҲИСОБ – КИТОБЛАР

4.1. Юкларни ташиш ва у билан боғлиқ хизматлар учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини 04.05.1992 йилги 221-сонли «Авиация ва Автомобильларда ташишлар учун тарифлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шартномавий (эркин) нархлар асосида белгиланади. Юкларни ташишда шартномавий тарифлар уни ташиш учун эркин нархларга мувофиқлаштириш баённомаси билан ва келишув битми орқали расмийлаштирилади.

4.2. «**Автокорхона**» билан «**Буюртмачи**» ўртасида ҳисоб-китоблар пул ўтказиш асосида тижорат банкларининг тўлов топшириқномалари, чеклар, аккредитивлар билан амалга оширилади. Бажарилган ташишлар учун товар транспорт юк хатлари, ёхут юкни ўлчаш ёки тортиш далолатномалари, ёки «**Буюртмачи**» томонидан йўл варақаси – счёти ёзишга асосланади. Счётни олганидан сўнг «**Буюртмачи**» 30 кундан кечиктирмай кўрсатилган транспорт хизмати учун тўловни амалга оширади.

4.3. «**Буюртмачи**» томонидан ташиш ҳақини киритиш, шунингдек ташувчининг амалга оширмаган ташиш учун қайтариш билан боғлиқ ҳисоб – китоблар тартибини бузилиши, транспорт хизмати тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов миқдорининг 0.4 % хажмида қўшимча тўловга олиб келади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1998 йилги фармонида мувофиқ «**Буюртмачи**» автоташишлар бошланғунига қадар мажбурий тарзда «**Автокорхона**»га шартнома қийматининг 30 % миқдорини, камида олдиндан ҳақ тўлайди.

4.5. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда мазкур шартнома муносабатлари «Автомобиль транспорти тўғрисида» ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ табиий офатлар ёки уларнинг оқибатларини тугатиш даврида тўхтатиб турилиши мумкин ва ташишлар (15% миқдорида) олдиндан ҳақ тўланмасдан амалга оширилади.

#### 5 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ташишларнинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажармаган ёхуд тегишлича бажармаган ҳолларда томонлар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Юк ташилганда етказилган, йўқолган, етишмаган, ёки шикастланган юкнинг қиймати миқдорида моддий зарарни «**Автокорхона**» ҳисобидан қопланади.

5.3. Келишлган вақтга кўра автомобилларни дастлабки юклаш манзилига ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун «**Автокорхона**» «**Буюртмачи**»га кечиктирилган ҳар бир минута учун энг кам иш ҳақининг 1 % миқдорида жарима тўлайди, бироқ бу жарима шартномавий ташиш ҳақининг 10% дан ошиб кетмаслиги керак.

5.4. «**Буюртмачи**» нинг айби билан ёки ташишга ажратилган автомобилларнинг белгиланган муддатдан (туриб қолиш) кечиккани учун «**Буюртмачи**» «**Автокорхона**» га автомобилнинг ҳар бир кеч қолган минута учун энг кам иш ҳақининг 1 % миқдорида жарима тўлайди, бироқ бу жарима шартномавий ташиш ҳақининг 10 % дан ошиб кетмаслиги керак.

5.5. Товар – транспорт ҳужжатларидан ҳамда йўл варақаларида автомобилларни келган ва кетган вақти ҳақида белгилар ҳамда юклар кам миқдорда (недогруз) юкланганлиги ҳар бир соати ва кам юкланган тонна тарифлар асосида 2 баробар ҳисобланиб «**Буюртмачи**»га тақдим этишга асаос бўлади.

5.6. Юкнинг номи хусусиятини нотўғри кўрсатган ҳолда ташиш ман этилган ноқонуний юкни ёки ташишда махсус эҳтиёт чоралари қўллашни талаб қилинадиган юкни тақдим этгани учун «**Буюртмачи**» қонун олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

5.7. Товар транспорт юк хатида божхона қоидаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар илова

қилинмагани оқибатида автомобильлар ушлаб қолингани учун, «Буюртмачи» ушбу шартномани 5,4 моддасида белгиланган миқдорда кўрилган зарарни қоплаш учун «Автокорхонага» жарима тўлайди.

5.8. «Автокорхона» «Буюртмачи»нинг айби билан унинг ҳудудида юклаш ва тушириш пайтида ҳамда тўхташ жойида ҳаракат таркибининг шикастланганлиги учун икки томонлама дололатнома тузади. «Буюртмачи» томонидан дололатномани имзолаш рад этилган тақдирда эса бир томонлама асосида «Буюртмачи»дан тўла моддий зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга.

5.9. Ушбу шартномада назарда тутилмаган қолган масалаларда томонлар амалдаги қонунлар, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонун ҳамда Автомобиль транспортида юкларни ташиш қондасига амал қиладилар. Қонун билан белгиланган жавобгарликни чеклаш ёки бартараф этиш тўғрисидаги томонларнинг келишуви ҳақиқий эмас.

#### 6 ФОРС-МАЖОР ХОЛАТИ

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажармаганликлари учун, аграгар бу енгиб бўлмас кучлар, ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишларда юкларни ташишни тўхтатиш ёки чеклаш оқибатида юз берган булса жавобгарликдан озод этиладилар.

6.2. Мажбуриятни бажариш учун имконият булмайд қолган томон бошқа томонни беш сутка давомида ёзма равишда хабардор қилади.

#### 7 НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси «Иқтисодий суд»лари томонидан кўриб чиқилади.

#### 8 АЛОХИДА ШАРТЛАР

8.1. Томонлар юкларини ташишни қийматлашувига олиб келадиган ташиш шартлари ўзгарганда, янги қонунлар, меърий ҳужжатлар кучга кирганда, нархлар, энг кам иш ҳақи миқдори, эҳтиёт қисмлар, ёқилги мойлаш материалларини нархи ва хо қа золар ўзгарганда 3 кун муддатда ташиш таннархининг янги калькуляциясини тузиш ҳамда янги шартномавий нархларни келишиб олишга мажбурдирлар. Томонларга уларнинг ўзаро муносабатларини белгилловчи қўшимча битимларни бериш ҳуқуқи берилади. Агар «Буюртмачи» ташишлар янги қийматини тасдиқламаса, «Автокорхона»янги қиймат амал қилган вақтдан бошлаб шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади.

8.2. «Автокорхона»нинг молиявий аҳолида қийинчиликлар юзага келиб, ёқилги мойлаш материалларига эҳтиёж сезилса тарафларнинг келишувига асосан ташишлар учун ёқилги мойлаш материаллари «Буюртмачи» ҳисобидан таъминланиб, ташишлар амалга оширилади. Келгусида ташишлар учун транспорт хизмати ҳақи ҳисобидан ёқилги мойлаш материаллари ҳақи чиқариб юборилади.

#### 9 ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома «17» август 2022 йилдан «31» декабр 2022 йилгача муддатга тузилади ва у томонлар имзолаган вақтда кучга қиради.

9.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафлардан ҳар бирига бир нусхадан берилади.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ МАЪЛУМОТЛАР

«Бажарувчи»	«Буюртмачи»
« ARZONI BIZDA MARKET » х/к.	Қўрғонтепа МТБ
Манзил: Андижон вилояти Андижон шаҳар	Манзил: Қўрғонтепа туман Янги ҳаёт МФЙ
Мустақиллик кўчаси 13 уй	Х/р: 100022860032207091100251037
Х/р: 20208000305333854001	Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар
Банк: Капитал банк Бош офиси	МФО: 00014 СТИР: 305156560
МФО: 01088 СТИР: 308065198	ҚҚС коди:
 Директор _____ А.Ходжаев	 Мудир _____ А.Ёқубов
МУ	МУ

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

№ VM4085076584

1. loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana xakidagi ma‘lumot

**Qo‘rgontepa tuman Maktabgacha ta‘lim bo‘limi tomonidan**

**18.08.2022 yil**

«Buyurtmachi» Qo‘rg‘ontepa tumani Maktabgacha ta‘lim bo‘limi Nomidan nizom asosida faoliyat olib boruvchi A.Yoqubov va Andijon shaxar «ARZONI BIZDA MARKET» X/K («Avtokorxon») nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbari A.Xodjaevlar tomonidan transport xizmati ko‘rsatish bo‘yicha tuzilgan shartnoma loyihasi yuzasidan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

2022 yil “19” avgust

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi**

**Bosh yuristkonsulti**



**H.Mamataliev.**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 132164 на приобретение МТМларга кўмир ташиш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 12.08.2022

Время рассмотрения 12.08.2022 17:36

Конкурсная комиссия Кургонтёпа тумани МТБ марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MADAMINOV XUSNIDDIN MUXIDDIN O'G'LI	мудир	Кўргонтёпа туман МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ABDURAXMONOV BAXROMJON BAHTIYOR O'G'LI	инженер	Кўргонтёпа мтб
<b>Член комиссии</b>	AXUNOVA SHAXNOZA ERKINOVNA	шартнома буйича хисобчи	Кўргонтёпа МТБ
<b>Член комиссии</b>	MAMARASULOV BUNYODBEK RAPIKJON O'G'LI	эксплатация рахбари	Кўргонтёпа мтб
<b>Член комиссии</b>	MAMATAMINOV MURODJON MADAMINJONOVICH	бош хисобчи	Кўргонтёпа мтб
<b>Член комиссии</b>	YAQUBOV SAYDULLO ABDULLAJONOVICH	таъминотчи	Кўргонтёпа мтб

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.08.2022 года № лота 132164.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 20.00 / Весовой коэф. ценовой части: 80.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по перевозке грузов</b>
Подробное описание	Андижон вилояти Кўргонтёпа тумандаги барча мактабгача таълим муассасаларига сифатли ва ўз вақтида кўмир ташиш хизмати
Количество товара	14 749.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	2 400.00
Стартовая сумма	35 397 600.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по перевозке грузов</b>
Подробное описание	Андижон вилояти Кўргонтёпа тумандаги барча мактабгача таълим муассасаларига сифатли ва ўз вақтида кўмир ташиш хизмати
Количество товара	30 000.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	2 400.00
Стартовая сумма	72 000 000.00

Валюта UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Инсофсиз ижрочилар ягона реестрида мавжуд эмасдлиги ва Коррупция кўринишига йул кўймаслик бўйича ариза тақдим этиши шарт ва мажбур

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция кўринишига йул кўймаслик бўйича ариза тақдим этиши шарт ва мажбур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Arzoni bizda market" ХК	20	106355130	20	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 кўмир ташиш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот Узига нисбатан элон килинган банкротлик булмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Узига нисбатан элон килинган банкротлик булмаслиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Arzoni bizda market" ХК	20	106355130	20	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	20	1	18	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаш учун утказиладиган эълонга катнашиш учун ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши таклифларни танлаш учун утказиладиган эълонга катнашиш учун ариза

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Arzoni bizda market" ХК	20	106355130	20	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	20	1	18	Экспертная		

Критерий №4 Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солик идорасини маълумотномаси хамда бажариладиган ишларга 1 йиллик кафолат

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солик идорасини маълумотномаси хамда бажариладиган ишларга 1 йиллик кафолат

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Arzoni bizda market" ХК	20	106355130	20	Экспертная		
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	20	1	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	107 397 600.00	107 397 600.00 UZS	107 397 600.00	00.00	107 397 600.00	10.08.2022 16:33:21	79.22
"Arzoni bizda market" ХК	107 397 600.00	106 355 130.00 UZS	106 355 130.00	00.00	106 355 130.00	10.08.2022 16:33:00	80.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО NURULLO DIYOR QURILISH	19	79.22	98.22
"Arzoni bizda market" ХК	20	80	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 132164 от 12.08.2022 года на приобретение МТМларга кўмир ташиш хизмати определила победителем:

"Arzoni bizda market" ХК  
308065198

и резервный исполнитель: ООО NURULLO DIYOR QURILISH (307929324)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MADAMINOV XUSNIDDIN MUXIDDIN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	AXUNOVA SHAXNOZA ERKINOVNA	Согласен	
Член комиссии	MAMARASULOV BUNYODBEK RAPIKJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MAMATAMINOV MURODJON MADAMINJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	YAQUBOV SAYDULLO ABDULLAJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП